*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 191 (8431). 6 октябрь, 1984 йил ● ШАНБА Баҳоси 3 тийин.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида Финляндия бош министри Калеви Сорсанинг Совет Иттифоқига қилган расмий визити, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг у билан қилган суҳбати ҳамда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов билан ўтказган музокараларининг якунлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Суҳбат ва музокаралар чоғида бўлиб ўтган фикрлашувлар Совет — Финляндия алоқалари учун анъанавий бўлган дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтганлиги ҳамда иккала мамлакат халқлари, ялпи тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари йўлида СССР билан Финляндия ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини янада ривожлантиришга ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка ёрдам бериши мамнуният билан қайд этиб ўтилди. Визит вақтида 1986—1990 йилларда СССР билан Финляндия ўртасида товар обороти ва тўловлар тўғрисидаги битимнинг имзоланганлиги — Совет — Финляндия ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланиб бораётганлигининг яна бир конкрет ифодасидир.

Сиёсий бюро мажлисида яна бир бор шу нарса таъкидлаб ўтилдики, СССР билан Финляндия ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома асосида ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган йўл бундан буён ҳам Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолаверади.

Сиёсий бюро СССР делегациясининг БМТ Бош Ассамблеяси 39-сессиясидаги фаолияти тўғрисида Сиёсий бюро аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг ахборотини тинглаб, маъқуллади. Совет Иттифоқининг актив ва амалий позицияси, аввало, халқаро вазиятни соғломлаштириш, қуролланиш пойгаси-

(Давоми 2-бетда).

# НАЗОРАТЧИЛИКНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

Халққа, коммунистик бунёдкорлик ишига хизмат қилиш— халқ контролерларининг юксак бурчидир. Ҳозир меҳнаткашларнинг коллективлари сайлаган ўн миллион киши корхоналар, колхозларда, ташкилотлар ва муассасаларда халқ контроли группалари ҳамда постларининг аъзоларидир. Улар фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, иш сифатини ошириш, тежамкорлик режимини кучайтириш резервларини қидириб топишда актив қатнашиб, партия XXVI съездининг қарорларини бажаришга, беш йиллик планларини рўёбга чиқаришга сезиларли ҳисса қўшмоқдалар.

5 октябрь куни Москвада бўлиб ўтган халқ контролерларининг Бутуниттифоқ кенгаши назоратчилар фаолиятини янада такомиллаштиришга бағишланди. Кенгаш қатнашчилари халқ контролининг КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг ишлаб чиқаришда ва хизмат кўрсатиш соҳасида давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, уюшқоқлик ҳамда тартибни кучайтириш тўғрисидаги қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилдилар.

**Иғилиш аҳли К. У. Черненко, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. М. Чебриков, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков** ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан ўринларидан туриб, кутиб олди.

СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, КПСС Марказий Комитети бўлимининг мудирлари, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ҳам президиумдан жой оладилар.

Кенгаш қатнашчилари ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини якдиллик билан фахрий президиумга сайлайдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **К. У. Черненко**га сўз берилади. Ҳозир бўлган кишилар Константин Устиновични гулдурос, давомли қарсаклар билан табриклайдилар.

Ўртоқ К. У. Черненконинг нутқи зўр эътибор бериб тингланди ва бир неча марта давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

Сўнгра СССР Халқ контроли комитетининг раиси **А. М. Школьников** доклад қилди.

Халқ контролерларининг Бутуниттифоқ кенгаши, деди у, мамлакатда социалистик контролни ривожлантиришда шонли босқич бўлиб қолади. Коммунистик партия билан совет давлати раҳбарларининг иштирок этаётганликлари, Константин Устинович Черненко нутқ сўзлаганлиги бу кенгашга алоҳида аҳамият бахш этмоқда. Константин Устинович Черненконинг ёрқин, илҳомбахш нутқи мамлакатдаги барча халқ контролерлари учун узоқ истиқболга мўлжалланган конкрет иш программасидир. Партия, КПСС Марказий Комитети контрол воситасида оммани давлат ва жамият ишларини бошқаришда актив иштирок этишга жалб этиш тўғрисидаги Ленин ғояларини қатъият ва изчиллик билан амалга ошириб, бу ғояларни ривожланган социализм босқичида ижодий ривожлантирмоқдалар ва конкретлаштирмоқдалар.

Докладчи бугунги кун талаблари асосида халқ контроли органлари олдида катта, шу билан бирга сифат жиҳатидан янги вазифалар ҳам турганлигини таъкидлаб ўтди. Биз партия билан давлат директивалари бажарилиши устидан контроллик қилиш воситаси билан экономика ва социал турмушнинг барча соҳаларига тобора кўпроқ таъсир ўтказишимиз, камчиликлар ҳамда бузилишларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда ўз ролимизни яхшироқ бажариш учун хўжалик юритишнинг натижаларини чуқурроқ кўриб идрок этишимиз шарт.

Нотиқ назоратчиларнинг ишини таърифлаб, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун курашда умуман халқ контролининг активлиги кучайганлигини қайд этиб ўтди. Комитетлар билан группалар план ҳамда топшириқлар бажарилиши, ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш, тежамкорлик режимига риоя этиш устидан контролликни кучайтирдилар. Кейинги йилларда ҳар икки текширишнинг бири мана шу масалалар юзасидан ўтказилди. Ана шу текширишларнинг натижаларига кўра қабул қилинган чора-тадбирлар кўп ҳолларда камчиликларни бартараф этишга, ишдаги узилишларнинг олдини олишга, ижрочилик интизомини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Докладчи ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш резервларини аниқлаш соҳасида халқ контроли органларининг вазифалари тўғрисида батафсил гапирди. Аввало гап ҳамма жойда, ҳар бир корхона, колхоз, ташкилотда, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг барча участкаларида, хуллас ҳар бир иш жойида иш вақтининг унумсиз зое кетишига барҳам бериш тўғрисида бормоқда. Биронта ҳам интизомсизлик, тартибсизлик ҳоллари, иш вақтининг ҳар қандай асоссиз зое кетиши назоратчиларнинг ўткир ниғоҳидан четда қомаслиги керак.

Социалистик мулкнинг сақланишини таъминлаш, халқ бойлигини талон-тарож қилиш ҳолларини ва бошқа суиистеъмолчиликларни тагтомири билан тугатиш учун курашни кучайтириш тўғрисидаги масалани ҳам тежамкорлик режимини кучайтириш зарурлиги билан бевосита боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш керак. Халқ контроли давлат ва жамоат мулкига ҳар қандан тажовузларга актив қарши туриши лозим.

Партия мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳаси каби тармоқларни тезроқ юксалтиришга алоҳида аҳамият бермоқда. А. М. Школьников Озиқ-овқат программасига мувофиқ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ажратилаётган ғоят катта ресурслардан самарали фойдаланиш планлари муносабати билан халқ контролерларининг вазифалари тўғрисида гапириб, шуни қайд этдики, қишлоқ хўжалиги учун ажратилаётган пул маблағларидан, машина- механизмлар, минерал ўғит ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, етиштирилган ҳосилни сақлаб қолиш йўлидаги курашда назоратчиларнинг яна ҳам активроқ ёрдами зарур. Чорвачиликда бирмунча таъсирчан контролликни таъминлаш талаб этилади.

Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларига мувофиқ халқ фаровонлигини ошириш учун кўп ишлар қилинмоқда, аҳолини молларга ва турли хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш учун катта- катта чора-тадбирлар кўрилмоқда. Сифатсиз буюмлар ишлаб чиқарилишига мутлақо йўл қўймаслик — назоратчиларнинг энг биринчи вазифасидир. Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат соҳасида контролни ташкил этишни тубдан яхшилаш зарур. Социал ҳаётнинг соғлиқни сақлаш, маданият ва маориф каби соҳалари ҳам назоратчиларнинг кўпроқ ғамхўрлик қилишларини талаб этади.

Докладчи капитал қурилиш планларининг амалга оширилиши муносабати билан халқ контролерларининг вазифаларига батафсил тўхталиб, уй-жойларни барпо этиш сифати масалаларига алоҳида эътибор берди. У бир қанча областларнинг раҳбарларини кескин танқид қилди. Ана шу областларда давлат интизоми қўпол равишда бузилмоқда, объектларни изга туширишнинг пландаги муддатларига риоя этилмаяпти, қўшиб ёзишлар мавжуд, уй-жойларни тақсимлашда қонунлар бузилишига йўл қўйилмоқда.

Партия ташкилотларининг ёрдамига таяниб, ҳамма жойда группалар ва постларга амалий раҳбарликни таъминлаш, барча халқ контролерлари зўр ғайрат билан ишлашларига, ҳар қандай бузилишларга қарши жанговар руҳда курашишларига сабот билан эришиш керак.

Пировардида А. М. Школьников халқ контроли коммунистик қурилиш вазифаларини амалга ошириш учун курашда бундан буён ҳам партия билан давлатнинг ишончли ёрдамчиси бўлади, деб мамлакат халқ контролерлари номидан ваъда берди.

Назоратчилар халқ хўжалигининг энг муҳим вазифаларини ҳал эта бориб, экономикани янада юксалтиришга,

(Давоми 2-бетда).



Москва, Кремль, 5 октябрь 1984 йил. Халқ контролерларининг Бутуниттифоқ йиғилиши.

В. Парадин фотоси. («Правда»дан).

# ХАЛҚ КОНТРОЛЕРЛАРИНИНГ ЮКСАК ГРАЖДАНЛИК БУРЧИ

## *Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи*

Азиз ўртоқлар!

Сизлар ғоят муҳим масалаларни — халқ контролини янада активлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш масалаларини муҳокама қилиш учун тўпландингиз. КПСС Марказий Комитети ўз вақтида тўпландик, деб ҳисоблайди. Бунинг боиси шундаки, биз жамиятимизни бошқариш системасини ташкил этган барча бўғинларнинг иш сифати олдига ҳаёт янги, катта талабларни қатъий қилиб қўяётган даврга қадам қўйдик. Халқ контроли бу системанинг таркибий ва менингча, бирдан бир қисмидир. Бутун фаолиятимизни ҳозирги кунда олдимизда турган катта вазифалар даражасига кўтаришдан иборат замон амри тамомила бизга ҳам тааллуқлидир.

Сизларга, қудратли моддий ва маънавий потенциалга таяниб, куч-ғайратимизни саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва қурилишнинг ҳамма соҳаларини бутун чоралар билан ривожлантиришга, ишлаб чиқаришни жадал интенсивлашга, совет фани ва техникасини, маориф ва соғлиқни сақлаш ишларини, халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада юксалтиришни таъминлашга қаратмоқдамиз. Ҳозирги мураккаб, кескин халқаро вазият бизни мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга, қуролли кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини оширишга мажбур этади.

Биз муайян маънода олганда, бурилиш характерига эга бўладиган марраларга жуда яқинлашиб қолдик. Бунда гап тараққиётимизнинг бутун бориши билан, КПСС XXVI съездининг, Марказий Комитет кейинги Пленумларининг қарорлари асосида партия билан халқнинг буюк ижодий иши кенг авж олдирилганлиги билан тайёрланган сифат силжишлари тўғрисида боряпти.

Бундай силжишлар етилди, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, фан-техника тараққиёти асосида уларни ўзгартириш учун зарур бўлиб қолди. Экономикани бошқариш системасида, уни планлаштиришда бундай силжишларсиз иш кўриб бўлмайди. Хўжалик механизмимизни тубдан яхшилаш керак. Халқ фаровонлиги сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиши лозим. Совет кишиларининг — ҳаммамизнинг ва ҳар биримизнинг онгли, манфаатдор, ташаббускор меҳнатимизсиз буларнинг ҳаммасини тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Бинобарин, бунда ҳам силжиш бўлиши зарур; омманинг меҳнатдаги ва ижтимоий активлиги шу вақтгача бўлганидек, шунчаки ўсибгина қолмай, балки том маъноси билан ортиб бориши керак.

Ўртоқлар, буларнинг ҳаммаси социализм жараёнининг асосий қисмини ташкил этади. Биз бу жараённи мамлакатимизда барпо этилган социализмни такомиллаштириш, деб атаймиз. Ҳозирги вақтда партиянинг, унинг Марказий Комитетининг эътибори, фикри-зикри шу муносабат билан ўртага қўйилаётган проблемаларга қаратилди. Бу — КПССнинг XXVII съезди олдидан тайёргарлик, партия программасининг янги таҳрири устида ишлашга, ва бинобарин навбатдаги беш йиллик ҳамда иқтисодий ва социал ривожланишнинг узоқроқ муддатларга мўлжалланган планлари устида ишлашга йўл кўрсатувчи асосий масаладир.

Биз катта қарорлар қабул қилишимиз, улкан планларни тасдиқлашимиз керак. Бинобарин, уларни бажариш гарантиялари тўғрисида олдиндан ўйлаб кўришимиз керак. Ленинча уюштирилган халқ контроли эса ана шу гарантиялар орасида катта ўрин олади. Дангал айтишимиз керакки, мамлакатимизнинг бундан буёнги тараққиётида жуда ва жуда кўп нарса халқ контролининг ишига боғлиқ бўлади. Ўтмишдаги бутун тажрибамиз ҳам, илмий социализм назарияси ҳам шундай хулоса чиқаришни талаб қилади.

В. И. Ленин таъсирчан контролни йўлга қўйишга, ишчиларни, меҳнаткашларни оммавий равишда бу ишга жалб этишга жуда катта аҳамият берганлигини ҳаммамиз яхши биламиз. У бунга партия, советлар, касаба союзлари сиёсий ва ташкилотчилик фаолиятининг шунчаки кўп участкаларидан бири деб қарамади. Лениннинг бу масаладаги фикри кенгайди ва чуқурлашаверди. Бу фикр халқ контролини социалистик тузумнинг моҳияти билан, унинг демократик характери билан чамбарчас боғлади.

Мамлакатимизда социализмнинг қарор топиш ва ривожланиш тарихига бир назар солайлик. Бу йўлнинг энг масъулиятли ҳар бир босқичида контрол проблемаси доим энг мухим ишлар қаторига қўйилди. Октябрь арафасида Лениннинг ишчи контроли ғояси революцион пролетариатнинг сафарбар қилувчи шиорлари қаторидан жой олди. Ёш совет ҳокимияти гражданлар уруши ва хўжалик вайронгарчилиги шароитида янги жамият қуришга киришиб, Лениннинг қуйидаги аниқ кўрсатмалари билан қуролланган ҳолда комил ишонч билан олға борди: «...ҳисобга олиш ва контроль қилиш — асосий иқтисодий вазифадир». Янги иқтисодий сиёсат йилларида, экономикада «Ким-кимни енгади?» деган масала ҳал этилган чоғда партиянинг синфий, чинакам халқ контроли тўғрисидаги ғамхўрлиги яна биринчи ўринга қўйилди. Ленин худди ўша вақтда мустаҳкамланиб бораётган социалистик жамиятнинг энг мухим эҳтиёж-талабларини ифода этиб, программавий аҳамиятга эга бўлган «Ишчи-деҳқон назоратини қандай қайта ташкил қилиш керак» деган асари билан майдонга чиқади. Контроль органларимиз, давлат ва жамоат муассасаларимизнинг ленинча ғояларга асосланган фаолияти ўн йиллар ўта борган сари социалистик бунёдкорлик ишига салмоқли ҳисса қўшаверади.

Моҳиятига кўра, стихияли эмас, балки планли, уюшган негизга таянган жамият, — бундай жамият ўз олдига қўйилган мақсадлар амалда қандай бажарилаётганлигини мунтазам текширмай туриб, узоқ яшай олмаслиги ҳар бир кишига аёндир. Биз социалистик қурилишда жуда илгари силжидик. Мамлакат ривожланган социализм босқичига кирди. Биз бунга эришувимизда халқ контроли сезиларли ва яна такрор эйтаманки, ўзига хос беқиёс роль ўйнади.

Айнан ҳозирги шароитда, айни ривожланган социализм босқичида халқ контролининг ҳуқуқи ва имкониятлари анча кенгайиб бораётганлиги мутлақо қонуниятлидир. Унинг масъулияти ҳам ошмоқда, албатта. Бу нарса СССР Конституциясида, шу Конституция асосида халқ контроли ҳақида қабул қилинган қонунда равшан ифодалаб берилган. Энг муҳими шуки, бу нарса сезилиб турибди ва бизнинг кундалик давлатни бошқариш, хўжалик жамоат практикамизга баракали таъсир қилмоқда.

Ўртоқлар, халқ контролерларининг ўн миллионли отрядини бир тасаввур қилиб кўринг. Ўн миллион —кўпми ёки озми? — Бу — жуда катта рақам, албатта. Бу рақам сизнинг ишингиз кенг миқёс касб этганлигидан ва бу ишда қатнашиш чинакам оммавий тус олганидан дарак беради. Бу — жуда соз.

Бироқ, келинглар, эришилган натижаларнигина эътиборга олмай, бошқа жиҳатларга ҳам назар ташлайлик. Келинглар, ҳозирги аҳволни социализм илмий назариясининг олий талабларига таққослаб кўрайлик. Ленин социалистик жамиятда контрол қилиш иши чинакам умумхалқ иши бўлиб қолиши керак, деб таълим берган эди. У совет хокимиятининг илк палласида келажакка назар ташлаб, «контрол аввал ишчи ташкилотлари томонидан, кейинчалик ёппасига ҳамма аҳоли томонидан амалга оширилиши керак», деб ёзган эди. Бунда у «ёппасига» сўзининг остига чизиб қўйган эди. Ҳозир ҳам партия масалани худди ленинчасига қўймоқда. Айни худди шу мақсадга интилиш керак. Ҳар бир—диққат қилинг, — ҳар бир совет кишиси ўзини халқ контролери деб билиши, у мана шу юксак гражданлик вазифасига мувофиқ равишда ўйлаши ва иш кўриши лозим.

Сизлар менинг фикримни тўғри тушунасизлар, деб ўйлайман. Бу ўринда гап халқ контролининг минглаб комитетларидаги штатларни кенгайтириш билан шуғулланиш ҳақида асло бораётгани йўқ. Сизларнинг айниқса район, шаҳар бўғинингизда штатли ходимлар кўп эмаслигини яхши биламиз. Бу ўриндаги муҳим нарса рақамлар эмас. Муҳими — ишнинг моҳиятидир. Моҳият эса шундан иборатки, халқ контролини ривожлантириш социалистик демократияни чуқурлаштиришнинг зарур йўналишларидан бирига айланиб қолган.

Бизнинг демократиямиз ҳар бир кишига ўзининг мамлакат хўжайини эканини актив кўрсатиш ҳуқуқини беради ва унинг зиммасига шундай вазифани юклайди. Контрол қилишда қатнашиш, шу ҳуқуқдан фойдаланишни ҳам, бу вазифани англашни ҳам яхшилаб ўргатишини сизлар ўз тажрибангиздан биласизлар. Партия сизларнинг ишингизга янги-янги миллионлаб меҳнаткашларни жалб этиш заруратига мана шу энг асосий, таъбир жоиз бўлса, стратегик нуқтаи назардан қарайди. Мана шу меҳнаткашлар бевосита лавозими жиҳатидан бўлмаса ҳам, ўз ижтимоий фаолиятининг руҳи ва мазмуни жиҳатидан, аввалига лоақал ўз меҳнат коллективларида ҳақиқий талабчан халқ контролерлари бўлиб қолсинлар. Улар — Ленин сўзлари билан айтганда, — «энг оддий ишлардан бошлаб... аста-секин давлат ишларида муҳимроқ ролларни бажаришга» ўтаберсинлар.

Реаллик — демократиямизнинг бебаҳо фазилатидир. Партия уни айни реал тарзда ривожлантириш ва чуқурлаштиришга жуда катта аҳамият бермоқда. Бу масалани Марказий Комитетнинг 1984 йил апрель Пленуми нақадар жиддий тарзда қўйгани сизларга яхши маълум. Бу масалани ҳал этиш бевосита советларнинг ишини кучайтиришга қаратилган. Бу соҳадаги вазифа шундан иборатки, давлат ҳокимиятининг мана шу оммавий органлари ўзларининг ҳамма Конституцион ваколатларидан амалда фойдаланишни ўрганиб олсинлар. Партия шу вазифани касаба союзлари, комсомол, меҳнат коллективлари учун худди шунингдек халқ контроли учун ҳам актуал деб ҳисоблайди. Умуман гап халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқариши бунёдкорлик кучини кенг жабҳа бўйлаб авж олдириш тўғрисида бормоқда. Жамиятимизнинг сиёсий системасини такомиллаштиришнинг моҳияти ҳам мана шундан иборат. Бу сиёсий системани социализм идеалига яқинлаштиришнинг ўзгинасидир.

Умуман, ўртоқлар, бизда социализмнинг олий нормаларини назарда тутиб иш кўриш одат бўлиб қолиши керак. Эришилган натижаларни баҳолашда шу олий нормаларни асло унутиб бўлмайди. Бугунги практикани ҳам, келгуси режаларни ҳам шу олий нормаларга таққослаш лозим. Сизларнинг фаолиятингиз учун эса буни энг биринчи вазифа деса бўлади. Зеро, пировард натижада, халқ контроли социализмнинг табиатига зид бўлган, унинг принципларига тўғри келмайдиган ҳамма камчиликларни аниқлаш ва тугатишга ёрдам бериш учун яшайди.

Масалан, социализмнинг биз учун муқаддас бўлган: ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига қараб деган принципини олиб кўрайлик. Бу — айни бизнинг ишчилар синфимиз, халқимиз тарихда биринчи бўлиб орзудан шонли ҳақиқатга айлантирган социал адолат негизларининг негизидир. Бироқ, бу ғалабанинг бутун улуғлигини англаган ҳолда, уни ҳам эҳтиёт қилиб асраш, ҳам ривожлантириш кераклигини унутмаслик лозим. Бизнинг бой тажрибамиз «меҳнатга қараб» принципига риоя этилиши ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиш кераклигини кўрсатиб турибди. Акс ҳолда бу принципни бузиш ҳолларига дуч келиниши мумкин. Бу эса экономикамизга катта зиён етказади. Бу бузишларнинг айримлари совет кишиларини жуда қаттиқ ғазаблантиради, бизнинг адолат тўғрисидаги тушунчамизга асло тўғри келмайди.

Хўш, булар қандай ҳодисалар? Бу ҳодисалар бизда кўпинча «Текисчиликка мойиллик», «Даромаддан ортиқ буромад» деган иборалар билан ифода этилади. Назаримда, бу — юмшоқ сўзлар. Бу сўзлар замирида яшириниб ётган моҳиятга назар ташланса, булар ҳаддан ташқари мулойим сўзлардир.

Текисчиликка мойиллик— дангаса, бракчига саховатпешалик қилишга ва айни вақтда, яхши, диёнатли ходимни ҳафа қилиш, камситишга мойилликдир. Ҳали кўпинча, айтайлик, ишлаб чиқариш илғорига ҳам, қолоққа ҳам бир хил миқдорда мукофот ёзилаётганлигини биласизлар. Афсуски, кўп кишилар буни кўриб кўрмасликка олмоқдалар. Айрим ҳолларда халқ контроли ҳам, чамаси, буларни майда ва жузъий нарсалар жумласига қўшиб, бундай фактларга беларволик билан қарамоқда. Аслида эса бу — социализмнинг энг муҳим принципидан қўпол равишда чекинишдир.

(Давоми 2-бетда).

